

ДАРЙОДАТ

PARIFAT
معرفت

Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1994 йил 8 июнь, чоршанба

№ 28 (6615)

Баҳоси сотувда эркин нархда.

Ватанпарварлик, аввало, инсоннинг юрт равнақи йўлидаги амалий ишларида намоён бўлади.

Лотин ёзувиги асосланган янги ўзбек алифбосини ўргатишнинг қўлай усуллари.

Шу йилдан эътиборан республикамиздаги барча ўрта махсус ўқув юрларида абитуриентлар билими тест усулида баҳоланади.

Ўзбекистон — Корея Республикаси:

ТАШРИФ МАҚСАДИ — ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистоннинг жаҳондаги тараққиётни амалга оширишда ҳамкорлик алоқалари кун сайин кенгайиб, мустақамлашиб бормоқда. Кейинги ойлари ичида бир қатор мамлакатлар олий мартабали раҳбарларнинг Ўзбекистонга ташрифи, олиб борилган музокара, ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг имзоланиши ҳам бунинг эркин далилидир. Шу йил 4-6 июнь кунлари Корея Республикаси Президенти Ким Ён Сам ҳам серкуёш диеримизда расмий давлат ташрифи билан бўлди. Олий мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, республика ҳукуматининг аъзолари ва хоржий мамлакатлар дипломатия корпуси раҳбарлари кутиб олдилар.

Ташриф давомида ҳар икки мамлакат президентлари Корея Республикаси ва Ўзбекистоннинг иқтисодий, маданий, дўстлик алоқаларига доир масалаларни муҳокама қилдилар. Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтган музокарада ўзаро ҳамкорлик қилишга оид ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳужжатларни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов ва Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Се Ген И имзоладилар.

Музокара натижасида ҳар икки мамлакат президентлари Ўзбекистон ва Корея Республикаси ҳамкорлиги ўзаро фойдали бўлишини, у янги босқичда ривожланишини таъкидладилар.

Корея Республикаси Президенти Ким Ён Сам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрида ҳам бўлди. Унинг тарихий обидалари билан дунёга машҳур бўлган қўхна Самарқанднинг бой маданий мероси меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Олий мартабали меҳмон Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пён Хва номидаги халқ корхонасига, Тошкентнинг мухташам "Наврўз" қошонасига ташриф буюрди, Ўзбекистонликлар билан мулоқотда бўлди.

— Биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ниятидамын. Яқинда бу борадаги имкониятларни ўрганиш учун мутахассислар гуруҳини юборамиз, — деди Ким Ён Сам.

Ҳар икки мамлакат раҳбарлари алоҳида таъкидлаганларидек, ташриф сермазун ва самарали бўлди.

Корея Республикаси Президенти Ким Ён Сам ва унинг рафиқаси 6 июнь кунин Тошкентдан жўнаб кетди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Утган жума кунин Жаҳон иқтисоди дипломатияси университети қошидаги бошқарув институтида малака ошираётган тингловчилар Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев билан учрашдилар.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиқлари, олий ўқув юрлари ректорларининг муовинлари, ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг ректорлари муовинлари ва бошқа раҳбар ходимлар иштирок этган бу мулоқотда вазир халқ таълими соҳасида айна кунда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар тўғрисида гапирди. Вилоят болалар ижодиёти марказлари ишларини янада ривожлантириш, ижодкор ва новатор ўқитувчиларни рағбатлантириш, мактабларнинг ағалик ҳуқуқлари, янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши хусусида фикр-мулоҳазаларни баён қилди.

Учрашув сўнггида вазир тингловчиларнинг саволларига жавоб қайтарди.

ЁРҚИН ТААССУРОТЛАР

Мустақиллик бошқа соҳалар каби халқ таълими жабҳасида ҳам хоржий давлатлар билан алоқаларимизни ривожлантиришга, мустақамлашга кенг йўл очиб берди. Билганимизни ўрганиб, билганларимизни ўргатиб, тажриба алмашишдек бахтга муяссар бўлдик.

Яқинда бир гуруҳ халқ таълими соҳаси вакиллари Германияга ижодий сафар қилиб қайтишди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Баҳром Қодиров, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори Даврон Шодиевлар ҳам бор эди.

Халқ таълими вазирлигида мактаб-маориф вакиллари билан бўлган учрашувда улар Германия сафарига таассуротларини гапириб беришди. Нотиқларнинг Германияда ўқиб-ўқитиш ишларининг олиб борилиш тартиби, бошланғич таълим, ўрта мактаблар ва олий таълимнинг ўзига хос жиҳатлари, таълим-тарбиянинг Ўзбекистон шароитида қўллашга арзийдиган қирралари хусусидаги фикр-мулоҳазалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Мухбиримиз.

Ширин АҲМЕДОВА.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ


Яқкабоғ туманига қарашли Мичурун номидаги мактабда ҳозирги кунга қадар 21 синфхона, 250 ўринли йиғинлар зали, спорт зал, ўндан ортиқ ҳар хил кабинетлар, ошхона, буфет ва бошқа бинолар ҳамда 3341 дона дарслик, 1856 дона адабиётлар, 6 та кино аппарат, 6 та ойнаижохон, 4 магнитофон, 5 дона радио, 2 дона қадоскоп, Правец электрон-ҳисоблаш машинаси каби қатор техник асбоблар ҳам янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Т. ХАЙРУЛЛАЕВ. Қашқадарё вилояти.

Шофиркон туманида Садриддин Айний номидаги 15-мактаб учун замонавий қўлайликларга эга бўлган 422 ўринли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги бинода 11 та синфхона ва фан кабинети, 140 ўринли ошхона,

каттагина спорт зали мавжуд. Мазкур иншоотни 163-қурилиш трестининг Жума Давлатов бошлиқ туман кўчма механизациялашган колоннаси бинокорлари бунёд қилдилар. Ўқув масканининг очирилиши бағишланган йиғинида халқ таълими бўлими вакиллари, меҳнат фахрийлари ва ота-оналар иштирок этишди.

Ф. ҒАФФОРОВА. Бўхоро вилояти.



Таълим беришни жаҳон стандарти даражасига етказишнинг асосий шарҳларидан бири ўқувчилар билимини текширишда тест синовларини ўтказишни йўлга қўйишдир. 1993 йилда республикамиздаги барча олий ўқув юрларида кириш имтиҳонлари тест синовлари асосида ўтказилди. Абитуриентларнинг қабул имтиҳонларига маълум даражада тайёр бўлиб келишларини таъминлаш мақсадида республика Халқ таълими вазирлиги Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Тошкент вилоятининг Қибрай туманида битириш имтиҳонларини тажриба-синов тарихида ЭХМ ва тест усулларида ўтказишга қарор қилди. Бунин биз республика Халқ таълими вазирлигининг туманимиз ўқитувчилари жамоасига билдирган ишончи деб ҳисоблаймиз. Халқ таълими бўлимининг 1994 йил 4 мартдаги 59-буйруғи билан бу имтиҳонларни тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан кенгайтирилган талбирлар тасдиқланди. Бундан ташқари, давлат имтиҳонларини тажриба-синов тарихида ўтказишга мутасадди қилиб белгиланган республика ўқув-методика маркази билан бевосита алоқа ўрнатилди. Туман ҳокимияти, айниқса, ҳокимимиз Акбарали Йўлчиев бу янгиликни яхши қабул қилиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

мактабларнинг фаол раҳбарлари, ўқитувчилари ва ота-оналари ўз мактабларида имтиҳонларни ЭХМда олишни тавсия қила бошладилар. Бўлим раҳбарияти уларнинг илтимосларини инобатга олиб, шу йил 11 апрелда ҳамма мактабларда тажриба-синов имтиҳонларини ЭХМда олишга рухсат берди.

Апрель-май ойларида туман халқ таълими бўлими қошида



имтиҳон олинди. 29-мактаб ўқувчилари республика ўқув-методика маркази, вилот ва туман халқ таълими бўлими ҳамда ота-оналар қўмитаси вакиллари иштирокида чет тилдан имтиҳон топширдилар. 9-синфдаги 12 ўқувчидан бир нафари 50 имкониятдан 48 балл олиб "аъло", 1 ўқувчи 39 балл олиб "яхши", 8 ўқувчи 25-30 балл олиб "ўрта" ва 2 ўқувчи 25 балдан паст натижага эришди. Албатта, бу баҳолар биз кутган кўрсаткичларга нисбатан пастроқ эди, аммо машина машиналигини қилади, хис-ҳаяжон деган гаплар унга бегона.

1 июнь кунин 3-мактабда ҳам шу тарзда ўтган чет тили имтиҳонида катнашган 11-синфнинг 11 ўқувчисидан 1 ўқувчи 75 имкониятдан 64 балл олиб "аъло", 6 ўқувчи 53-54 балл олиб "яхши", 2 ўқувчи 52 балл олиб "ўрта" ва 2 ўқувчи 34 балл олиб "емон" баҳоландилар. 10-мактабда ўтган инсон ва жамият фани бўйича имтиҳонда эса 23 ўқувчидан 4 ўқувчи "аъло", 13 ўқувчи "яхши", 5 ўқувчи "ўрта" ва бир ўқувчи "емон" баҳо олди.

Ҳозир туман мактабларида имтиҳонлар давом этаётган кизгин давр. Бугун 25-линей ўқувчилари ЭХМга имтиҳон топширадилар. Унда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари иштирок этишади. Туман мактабларида битириш имтиҳонларини тажриба-синов тарихида ЭХМ да олиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилади, улар умумлаштирилади. Хуллас, имтиҳонлар якунига бағишланадиган йиғинда бу йўлнинг нурафшон эканлиги ҳақида тахлийий фикрлар билдирилади, деган умиддамиз.

Усмонали МУСАЕВ.

Қибрай тумани халқ таълими бўлими мудири. Суратларда: имтиҳон натижасидан лавҳалар акс этган. Ҳаким СОЛИХОВ олган суратлар.



ФАРҒОНАЛИҚ ТАЛАБА ҒОЛИБ БЎЛДИ

Яқинда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида олий ўқув юрлари рус гуруҳи талабаларининг ўзбек тилидан Республика олимпиадаси ўтказилди. Олимпиадада Қўқон, Ангрён, Навоий, Жиззах, Тошкент давлат педагогика институтидан 90 нафар талаба иштирок этди. Улар 6 босқичдан иборат топшириқларни бажаришди. Ҳакамлар хайрат қарорин билан Фарғона давлат университети талабаси Роберт Герфанов олимпиада ғолиби деб топилди. У 1 даражали диплом ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Ширин АҲМЕДОВА.

Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтида "Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари" мавзусида шу соҳа мутахассисларининг республика илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. Унда республикамиз вилоятларидан келган юздан ортиқ файласуф ва ҳуқуқшунос олимларнинг маъруза ҳамда мулоҳазалари тингланди.

Конференция ишида Ўзбекистон фанлар академиясининг вице-президенти, академик И. Исқандаров, фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори,

билиш назарияси табиғат фалсафаси, ижтимоий фалсафа, фалсафа тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда тарихи, давлат бошқаруви, фуқаролик, ҳўжалик, экология ва жиноятчилик ҳуқуқи соҳаларида тадқиқ этилаётган бугунги Ўзбекистоннинг тараққиёти билан боғлиқ энг муҳим

ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ МУАММОЛАРИ

фалсафа ва ҳуқуқ фанлари доктори А. Жалолов, Ўзбекистон фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Х. Раҳмонқуловларнинг бозор иқтисоди шароитида фалсафа ва ҳуқуқ фанлари олдида турган долзарб муаммоларга бағишланган чиқишлари, айниқса, диққатга сазовор бўлди.

Шундан сўнг анжуман иштирокчилари муаммолари хусусида фикр-мулоҳаза алмашдилар. Конференция ишида сўзга чиққанлар юртимизда фалсафа ва ҳуқуқ фанлари олдида турган бир қатор мунозарали муаммолар ҳақида тўхталиб, уларни ҳал этмай туриб ижтимоий фанларнинг келажагини тўла таъминлаш мумкин эмаслигини ҳам таъкидладилар. Ижтимоий

фан соҳаларида умумжаҳон миқёсидаги энг янги ва энг сўнгги илмий ахборотларнинг ўз вақтида етиб келмаётганлиги, бу эса ҳозирги пайтда "информацион очлик", "информацион вакуум", "Информацион изоляция" тараққиёти билан боғлиқ энг муҳим хавфини тугдираётганлиги, бунинг олдини олиш учун жаҳон олимлари билан илмий алоқаларни кенг йўлга қўйиш, ижтимоий фанлар соҳасида лаборатория базаларининг етишмаслиги ва борлари ҳам бугунги кун талабига жавоб бера олмаслиги, конкрет социологик тадқиқотлар ўтказиш ти-зимларининг ҳамон вужудга келтирилмаганлиги, шу фан соҳасидаги ахборотлар банкнинг ташкил этилиши кечиктирилаётганлиги, ижтимоий фан соҳасидаги ҳозирги замон ахборот техникаси имкониятларидан фойдаланиш даражаси ўта пастлиги каби масалалар ҳам конференция кун тартибидан четда қолмади.

Бахтиёр Тўраев.

Ў Қ У В Р Е Ж А Л А Р И

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг 1994 йил 19 майдаги 120-буйру ига биноан ўрта умумтаълим мактаблари учун 1994—1995 ўқув йили режалари тасдиқланди

Ўқишлар ўзбек тилида олиб бориладиган, бошланғич синфларда чет тилини ўрганиладиган умумий таълим мактабларининг 1994—95 ўқув йили учун

ЎҚУВ РЕЖАСИ (4-тур)

Table with columns: Ўқитиладиган фанлар, Синфлар бўйича ҳафталик соатлар (1-11), and subject names like I. Давлат ихтиёридаги (компонент) соатлар, Она тили ва адабиёт, Эски ўзбек ёзуви, Математика, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Умумий тарих, Ўзбекистон халқлари тарихи, Давлат ҳуқуқи асослари, Инсон ва жамият, Одобнома, Табиёт, География, Биология, Физика, астрономия, Химия, Хорижий тил (рус тили), Хорижий тиллар, Чизмачилик, Тасвирий санъат, Мусика, Жисмоний тарбия, Чакириккача ешларни тайёрлаш, Меҳнат таълими, II. Мактаб (компоненти) ихтиёрига берилган соатлар, Соғломлаштириш дарслари, Фанларни чуқур ўқитиш, факультатив ва қизиқишга кўра ижодий камолотини ўстирувчи яққа, гуруҳ машғулотлар, Табиатни асраш ва экологик билим асослари, Иқтисодий билим асослари, Умумий соатлар, Амалий меҳнат машғулотлари кун ҳисобида.

Умумий таълим мактабларининг 1994—95 ўқув йили учун

ЎҚУВ РЕЖАСИ (5-тур)

Ихтисосига доир бир неча ўқув фанлари чуқур ўргатиладиган мактаблар учун

Table with columns: Ўқитиладиган фанлар, Ихтисослик синфлар бўйича ҳафталик соатлар (физ. техника, физ. инфрм., матем. инфрм.), and subject names like I. Умумтаълим фанлари: Она тили ва адабиёт, Умумий тарих ва Ўзбекистон тарихи, Инсон ва жамият, География, Биология, Астрономия, Химия, Хорижий тиллар, Хорижий тил (рус тили), Чизмачилик, Жисмоний тарбия ва чакириккача ешларни тайёрлаш, II. Ўқилишига доир фанлар: Информатика ва ЭХТ асослари, Физика, Махсус курс радиотехника, электроника, Математика, Ҳаммаси, Факультатив, ЖАМИ: Амалий машғулотлар (кунлар ҳисобида).

Умумий таълим мактабларининг 1994—1995 ўқув йили учун

ЎҚУВ РЕЖАСИ (6-тур)

Ихтисосига доир бир неча ўқув фанлари чуқур ўргатиладиган мактаблар учун

Table with columns: Ўқитиладиган фанлар, Ихтисослик синфлар бўйича ҳафталик соатлар (Педагогик, Ижтимоий, Биология), and subject names like I. Умумтаълим фанлари: Она тили ва адабиёт, Математика, Информатика ва ЭХТ асослари, Умумий тарих ва Ўзбекистон халқлари тарихи, Инсон ва жамият, География, Биология, Физика, астрономия, Химия, Хорижий тил (рус тили), Хорижий тиллар, Жисмоний тарбия, Чакириккача ешларни тайёрлаш, II. Ўқилишига доир фанлар: Жаҳон бадийи маданияти, Мулоқотдан амалий машғулот, Рухий педагогик машғулот, Тарбиявий ишлар методикаси, Ижтимоий экология, Фалсафа, Хуқуқшунослик, Махсус курс, ХАММАСИ: Факультатив, ЖАМИ: Амалий машғулотлар кунлар ҳисобида.

Умумий таълим мактабларининг 1994—95 ўқув йили учун

ЎҚУВ РЕЖАСИ (7-тур)

(Ихтисосига доир бир неча ўқув фанлари чуқур ўргатиладиган мактаблар учун)

Table with columns: Ўқитиладиган фанлар, Ихтисослик синфлар бўйича ҳафталик соат (Қиш. ҳўжал, Жамиятшунос, Гуманитар), and subject names like I. Умумтаълим фанлари: Она тили ва адабиёт, Хорижий тил (рус тили), Хорижий тиллар, Математика ва ЭХТ асослари, Физика, астрономия, Умумий тарих, Ўзбекистон халқлари тарихи, Инсон ва жамият, Жисмоний тарбия ва чакириккача ешларни тайёрлаш, Химия, Биология, Инсон ва унинг саломатлиги, II. Ўқилишига доир фанлар: Химиявий анализ асослари, Химия ва экология, Биология ва экология, Чет мамлакатлар географияси, География ва экология, Қонуноснолик ва хуқуқшунослик асослари, Жаҳон маданияти ва Ўзбекистон халқлари маданияти, Чет эл адабиёти, Фалсафа ҳуқуқ, этика, мантқ элементлари билан, Педагогика, психология, Махсус курс ва амалий машғулот, ХАММАСИ: Факультатив, ЖАМИ: Амалий машғулот (кунлар ҳисобида).

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Умумий таълим мактабларининг 1994—1995 ўқув йили учун

ЎҚУВ РЕЖАСИ (8-тур)

(Ихтисосига доир бир неча ўқув фанлари чуқур ўрганиладиган мактаблар учун)

Table with columns: Ўқитиладиган фанлар, Ихтисослик синфлар бўйича ҳафталик соат (иқтисодиёт, физика-мат., журналистика), and subject names like I. Умумтаълим фанлари: Она тили ва адабиёт, Умумий тарих, Ўзбекистон халқлари тарихи, Инсон ва жамият, Математика, Информатика ва ЭХТ асослари, Хорижий тил (рус тили), Хорижий тиллар, Жисмоний тарбия, Чакириккача ешларни тайёрлаш, Физика, астрономия, Биология, Химия, География, II. Ўқилишига доир фанлар: Жаҳон бадийи адабиёти, Мулоқотдан амалий машғулотлар, Ижтимоий экология, Хуқуқшунослик, Махсус курс, Ишлаб чиқариш технологияси, Иқтисодий тарих, Ихтисосга кириш, Саноат фирмаларини бошқариш ва ташкил қилиш асослари, Чет эл адабиёти, Машинкада ёзиш, Касбга кириш, Журналистика маҳорати тарихи, Ҳаммаси: Факультатив, ЖАМИ: Амалий машғулот (кунлар ҳисобида).

Умумий таълим мактабларида қрим-татар, грек, корейс, немис, татар (қозон), уйғур, турк, яҳудий, испан ва бошқа миллатларнинг ўз она тилини ўқитаётган мактабларининг 1994—95 ўқув йили учун

ЎҚУВ РЕЖАСИ (9-тур)

Table with columns: Ўқитиладиган фанлар, Синфлар бўйича ҳафталик соатлар (1-11), and subject names like I. Давлат ихтиёридаги (компонент) соатлар, Ўзбек тили ва адабиёт, Она тили, Математика, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Ўзбекистон халқлари тарихи, Умумий тарих, Давлат ҳуқуқи асослари, Инсон ва жамият, Одобнома, Табиёт, География, Биология, Физика, Астрономия, Химия, Чизмачилик, Хорижий тил (рус тили), Хорижий тиллар, Тасвирий санъат, Мусика, Жисмоний тарбия, Чакириккача ешларни тайёрлаш, Меҳнат таълими, Мактаб (компоненти) ихтиёрига берилган соатлар, Соғломлаштириш дарслари, Эски ўзбек ёзуви, Фанларни чуқур ўқитиш, факультатив ва қизиқишга кўра ижодий камолотини ўстирувчи яққа, гуруҳ машғулотлар, Табиатни асраш ва экологик билим асослари, Иқтисодий билим асослари, Умумий соатлар, Амалий меҳнат машғулотлари (кунлар ҳисобида).

РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ


Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманида "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда 23 нафар ўқитувчи иштирок этиб, кўрик-танлов низоми бўйича шартларни бажардилар. 1-ўрин немис тили ўқитувчиси О.Очилова, 2-ўрин рус тили ва адабиёти ўқитувчиси М.Эшмуродовага, 3-ўрин бошланғич синф ўқитувчиси О. Жўраевага насиб этди.

У. РАҲИМОВ.

УЧ ГОЛИВ

Яққоб туманида "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда ўн тўрт нафар ўқитувчи иштирок этди. Кўрик-танлов низомидаги шартларни қўйилмақом қилиб бажарган "Шарқ юлдузи" давлатининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси Муслимон Ботиров биринчи, Шухрат Турсунов номдаги мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Шохидо Эрраҳматов ва иккинчи, Ҳамид Олимжон номдаги мактабнинг чет тили ўқитувчиси Булоқ Қаҳдор ўзини унинг сазовор бўлишди.

Х. ТўРАЕВ.



ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 249-мактабда туман халқ таълими бўлими услубшунослари ташаббуси билан лотин ҳарфлари асосидаги алифбони жорий этиш масаласига бағ ишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Йилги ишда тумандаги барча мактабларнинг бошланғич синфлар ҳамда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари иштирок этди. Республика ўқув-услубий маркази бошланғич таълим бўлими мудири Сафура Сағдиева янги алифбога ўтишнинг босқичли йўналишлари, лотин алифбосида нашр этиш режалаштирилган дарсликлар, дастурлар, услубий қўлланмалар, дидактик материаллар ҳақида батафсил маълумот берди. Республика педагогика илмий-текшириш институти "Янги алифбо ва имло таълими" бўлими мудири, доцент Суннатилла Ризаев лотин ёзуви асосида тайёрланган ва нашр қилинган "Расмий алифбо" муаллифи сифатида кесма ҳарфлар, ҳарф ва бўғин жаъвали каби дидактик материаллар, чоп этилган лотин ёзувидаги қўлланмалардан фойдаланиш йўллари ҳақида тавсиялар берди.

З. ТўЛАГАНОВА.

Суратда: семинар-кенгашдан лавқа.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

Умумий таълим мактабларида қрим-татар, грек, корейс, немис, татар (қозон), уйғур, турк, аҳудий, испан ва бошқа миллатларнинг ўз она тилини ўқитиладиган мактабларнинг 1994—95 ўқув йили учун

Ўқув режаси (10-тур)

Table with columns for subject (Ўқитиладиган фанлар) and weekly hours (Синфлар бўйича ҳафталик соатлар). Rows include subjects like Davlat ixtiyeridagi (komponent) soatlar, Uzbek tili va adabiyoti, Matematika, etc.

Ўқиб ўзбек тилида олиб бориладиган умумий таълим мактабларининг 1994—95 ўқув йили учун (хафтасига беш кулик ўқиб)

Ўқув режаси (11-тур)

Table with columns for subject (Ўқитиладиган фанлар) and weekly hours (Синфлар бўйича ҳафталик соатлар). Rows include subjects like Davlat ixtiyeridagi (komponent) soatlar, Matematika, Informatika va HT asoslari, etc.

Ўқиб ўзбек тилида олиб бориладиган умумий таълим мактабларининг 1994-95 ўқув йили учун

Ўқув режаси (12-тур)

Table with columns for subject (Ўқитиладиган фанлар) and weekly hours (Синфлар бўйича ҳафталик соатлар). Rows include subjects like Davlat ixtiyeridagi (komponent) soatlar, Matematika, Informatika va hisoblash, etc.

Еш авлод қалбида миллий мустақиллик мафқурасини шакллантириш, ватанпарварлик ва фуқаролик туйғуларини тарбиялаш долзарб вазифадир. Бу ҳалқ таълими муассасалари зиммасига, айниқса, катта масъулият қўлади.

Бугунги кун ҳақиқати

Ҳамидулла Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи

инсонни ҳаётда ўз ўрнини белгилаб олишга қўлайди. Оила, мактаб, атрофдаги дўстлар, оммавий ахборот воситалари, маҳалла турмуш тари ва бошқалар ўсиришни ҳаётини таъриб ортиришига, шубҳасиз, катта таъсир кўрсатади.

ешлар иттифоқи" эса ўз Низоми асосида С. Раҳимов тумани табиати муҳофазасида қилиш хизмати билан ҳамкорликда шаҳар тозаланини сақлаш учун фаол кураш олиб бормоқда.

Юзани қараганда, болаларнинг бундай ишлари маҳаллий аҳамиятга эгадек кўринади. Лекин биз бу ҳаракатларда ўғил-қизларнинг фаол, бир-бирига, атрофдаги кишиларга, ўз мактаби ва шаҳрига фойдали кишилар бўлишига интилишларини кўралик. Эҳтимол, шу ишлардан ешлар қалбида Ватаним сениб тугўнсуз куртак очар. Бунинг сезирилик билан ўз вақтида аниқламоғимиз, қўллаб-қувватламоғимиз ниҳоятда муҳимдир.

Тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми ешларни харбий-ватанпарварлик руҳида камол топтиришдир. Бу борада асосий вазифа харбий таълиқларни зиммасига тушади. Республика миқёсида ўсирилган ва ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган харбий мусобақа ва ўйналарини қайта тиклаш зарур. Мулоффа вазирилик ва "Ватанпарвар" жамияти бу ишда ташаббускорлик қилсалар, айна мудоао бўлади.

Тошкент давлат дорилфунунининг ўзбек филологияси факультети ҳам барча олий ўқув даргоҳлари қатори бугун ҳаяжонли дамларни бошдан кечирмоқда. Устозлар шоғирлари ҳисоботини, йиллар ҳосиласини тинглашмоқда. Улар билимига баҳо беришмоқда.

Сиртқи бўлим талабалари йилда бир-икки келишади. Ўзга дамларда аудиторияларда эгаллаган билимларини синаб кўришади. Бу эса уларнинг ҳаётини чуқурроқ билишларида, билим чўққиларини мустақкам эгаллашларида ўзига хос ўй бўлиб хизмат қилади. Сиз суратда кўриб турган илм толиблари давлат имтиҳонларини тоширишмоқда ва устозлардан сўнги ўғитлар олишимоқда. Оқинда эса уларни катта ҳаёт дарслари қутиб турибди.

Янги ўзбек алифбосини ўргатиш усуллари

"Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида"ги қарорга кўра Республика Халқ таълими вазирилик тасаруфидидаги умумий таълим мактабларида янги алифбонини жорий қилиш 1995-96 ўқув йилида 1-синфдан бошланади. Бунинг учун, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг ўзларига янги алифбо ва имлоини ўргатиш лозим.

Ғолиблар тақдирланди Акмал Икромов туманидаги А.Хужаев номидаги 12-хунар-техника билан юртида ўндан зиед мутахассисликлар бўйича таълим берилади. Билим юрти ўқув-амалий машғулотлар ўтказиладиган устаконалар, зарур жиҳозлар, турли буюмларни рисолаладиқлик қилиб ясаш, таъбирлаш учун ишлатиладиган хом ашёлар билан тўлиқ

биринчи, 10-гуруҳ иккинчи ўринли олишга эришиди. Биринчи ўринни олган ғолиб жамоа аъзоларининг хар бирига 5000, иккинчи ўринни эгаллаганларга 3000, учинчи ўринга сазовор бўлганларга 2000 сўм-қулдондан мукофот пули топирилади. Февраль ойидан буюн ўтказиб келинган "Қасим — фаҳрим!" қўриқ-танловини туркумини намунали, оммавий тарзда ташкил этишда хунар-техника билим юрти раҳбарлари, ўқитувчи ва усталари ҳам хар томонлама ердан бертанликларини таъкилламоқ жоиз.

Биринчи, 10-гуруҳ иккинчи ўринли олишга эришиди. Биринчи ўринни олган ғолиб жамоа аъзоларининг хар бирига 5000, иккинчи ўринни эгаллаганларга 3000, учинчи ўринга сазовор бўлганларга 2000 сўм-қулдондан мукофот пули топирилади. Февраль ойидан буюн ўтказиб келинган "Қасим — фаҳрим!" қўриқ-танловини туркумини намунали, оммавий тарзда ташкил этишда хунар-техника билим юрти раҳбарлари, ўқитувчи ва усталари ҳам хар томонлама ердан бертанликларини таъкилламоқ жоиз.



Алимурод МАМАДАМИНОВ олган суратлар.



Алимурод МАМАДАМИНОВ олган суратлар.

Йўлдошев АБДУЛЛАЕВ, педагогика фанлари номзоиди.

